



Бауырлас қырғыз халқы

Республикалық ғылыми-әдістемелік және танымдық журнал -
Республиканский научно-методический и познавательный журнал



Қыргыз мейрамында



Қыргыз қызыл жүйті



Қыргыз күрме отыны

Қыргыз пісімесі

ТҮРКІ ТІЛДЕС ЕЛДЕР ТҮРКҚОЯЗЫЧНЫЕ СТРАНЫ



70 жас

Турғынбек Зайнидиұлы, мерейтойыңызбен құттықтаймыз!

Жүрік қасиеттер ұясыр қасаты Сізді мағымалы ғұмырыңыздың биік бір белесі — 70 жасқа алып жетті. Сіздің өрбесуіңіздің, қарапайымдылық және адамдық қасиеттеріңіз жоғары адамгершілік және мейірімділікке, шынайылық және адам сүйгіштігіне ұнтасын жетсе өмір жылқызы — тынымсыз ерліктер, үздік білімділіктер, табылмалық пен ғылыми тәлімгерліктеріңізбен. Сізге бұдан да зор табыстар тілей отырып, өзіңізге, отбасыңызға амандық, зор денсаулық, бақыт бақыт тілейміз.

Құрметті, географтар У.Ә.Есқазаровтың Республикалық ғылыми жиналыстар журналы.



Өзген Турғынбек Ж.Баласағұн атындағы Қыргыз ҰУ-дің профессоры, білім және Ғылым Министрінің Кеңесшісі, д.ғ.к., доцент, Респбликаның дағдылы университетінің (РУДН) «Аймақтық экономика және география» кафедрасының меңгерушісі, Мәскеу қ. Есқазарова У.Ә. и.ғ.д., Әл-Фараби атындағы ҚазҰУ-дің профессоры, Алматы қ. Темірбекке Айыпповтің Тажікстан Әл-Фараби атындағы ҚазҰУ-дің профессоры, Алматы қ.



Проф. Т.Ә. Өзген Әл-Фараби атындағы ҚазҰУ-де өткен халықаралық конференцияда Алматы-2018 ж.



ТҮРКІ ТІЛДЕС ЕЛДЕР ТЮРКОЯЗЫЧНЫЕ СТРАНЫ

Республикалық ғылыми-әдістемелік және танымдық журнал
Республиканский научно-методический и познавательный журнал

2012 жылдан бастап шығады № 1 (37) 2021 Үш айда бір шығады
Қантар-Наурыз

МАЗМҰНЫ

<i>Жеңишбек Чыманов</i> ПРОФЕССОР ТУРГУНБЕК НИЯЗОВ 70 ЖАШТА ӘЛУҰ ЖЫЛДЫҚ ӘМГЕКТІН ҮЗУРҮ	4
<i>Усубалиева Салтанат</i> НИЯЗОВУ ТУРГУНБЕКУ ЗАЙНИТДИНОВИЧУ – ПОЧЕТНОМУ ПРОФЕССОРУ КНУ ИМ. Ж.БАЛАСАҒЫНА–70 ЛЕТ	7
ТҮРКІ ХАЛЫҚТАРЫНЫҢ АНТРОПОЛОГИЯ	9
<i>Худойназар Тошов</i> ЛАНДШАФТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ (Классификация ландшафтов и ее научное и практическое значение)	11
<i>Амангелді Өзерке</i> ЖАҢА ЗАМАНАУИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДЫ ГЕОГРАФИЯ САБАҚТАРЫНДА ПАЙДАЛАНУ	15
<i>Момынқұлов Ж.Б.</i> ТҮРКІТІЛДЕС МЕМЛЕКЕТТЕРДІҢ ИНТЕГРАЦИЯСЫНДАҒЫ ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНЫҢ ОРНЫ	20
ҚЫРҒЫЗДАР	25
ТҮРКІ ТІЛДЕС МЕМЛЕКЕТТЕРДІҢ ЫНТЫМАҚТАСТЫҚ КЕҢЕСІНІҢ КЕЗЕКТІ 2021 ЖЫЛҒЫ САММИТІ ТҮРКІСТАНДА	30
ТҮРКІТІЛДЕС МЕМЛЕКЕТТЕРДІҢ ЫНТЫМАҚТАСТЫҚ КЕҢЕСІНІҢ ТАРИХЫ	31
ТҮРКІСТАН	33

Бас редактор:
Есназарова Ұлжалғас Әмзекызы.
Редакция алкасы:
Касейінов Д. К., ТҮРКСКОЙ Бас хатшысы
Рутвиль Эврен ТІКА-ның Қазақстандағы өкілі
Зейнеш Исмайыл, профессор, Түркия
Дағдран А., ҚР «Түркі халықтары мәдени
қорының» президенті
Аламанов С.К., Қырғыз география қоғамы
Президенті, г.ғ.к., профессор
Ниязов Т. З., ҚырҰУ профессоры
Ташов Х., г.ғ.к. (Бұқара МУ кафедра меңгерушісі)
Ходжабергенова Г. М., Алматы Білім басқарма басшысы
Темірбеков А. Т., г.ғ.к., ҚазҰУ профессоры
Темірбекова Ж. А., ассоц. профессор СДУ
Көркемдеуші редактор Сұлтанов С. С.
Техникалық редактор Темірбекова Ж. А.
Компьютерде беттесен Куватова А. С.

Құрылтайшы: «Географиядан республикалық атаулы мектеп» ЖШС
Қазақстан Республикасының 6 айланғы және ақпарат
министрлігінде 16.12.2011 жылы тіркеліп, №11679-ж куәлігі берілді.

Редакцияның мекен-жайы:
050067, Алматы қ., Б. Әшімов көшесі 347
тел. 8(727) 2 97-35-48, тел/факс 297-35-49.
e-mail: ataulymektep@mail.ru

«Түркі тілдес елдер – Тюркоязычные страны» журналының ре-
дакциясына келіп түскен қолжазбалар өңделеді. Редакция жолданған
материалдардың сапасына жауап бермейді, материал көшіріліп басылған
жағдайда «Түркі тілдес елдер – Тюркоязычные страны» журналына
сілтеме жасалады.

Теруге 03.03.2021 жылы жіберілді. Басуға 12.03.2021 жылы қол қойылды.
Көлемі 60x84/8. Сандық басылым. Таралымы 500 дана.

Журнал «EuroPrint» баспа-полиграфиялық қызмет көрсету орталығында
лайындалды. (Шымкент қ. Әйтеке Би көшесі 28А)

ЛАНДШАФТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

(Классификация ландшафтов и ее научное и практическое значение)

Х.Р.Тошов.

*ЎзР. Бухоро давлат университети.
География фанлари номзоди, доцент.
Ўзбекистан.*

Аннотация: В статье рассматривается классификация ландшафтов, ее научное и практическое значение, (Н. А. Гвоздецкий, А. Г. Исаченко, В. Б. Сочава, В. А. Николаев, А. И. Перельман, Д. Л. Арманд, Н. А. Когай, Ш. С. Зокиров, Р. Ибрагимова, А. Рафиков, И. Хасанов), а также некоторые вопросы, связанные с данной территорией.

Ключевые слова: исторический принцип, генетический принцип, структурно-системный, принцип, одиннадцать шагов, раздел, класс, вид, подвид, группа, вид.

Ландшафт сферасиннинг кўпдан-кўп муайян ландшафтлардан тузилган. Бу кўп сонли ландшафтларни ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганишни қийинлаштиради, албатта. Шунинг учун предметни таснифлаш зарурияти туғилади. Ландшафтшунослик фани ҳам бошқа табиий фанлардаги (масалан, биология, зоология, геология ва ҳ.) каби ўз ўрганиш объектини илмий ва мантикий асосланган таснифини тузиши шарт. Бу ландшафтшуносликда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масалалардан саналади. Шу масалани ҳал этишга киришган дастлабки географлар Н.А.Гвоздецкий (1961) билан А.Г.Исаченко (1961) ҳисобланади. Кейинчалик, ушбу масалага оид тавсиялар В.Б.Сочава (1972), В.А.Николаев (1973, 1979), А.И.Перельман (1975), Д.Л.Арманд (1975) қабилар томонидан ҳам билдирилган.

Н.А.Гвоздецкий билан А.Г.Исаченконинг ландшафтларни таснифлаш тажрибаларининг натижаси бир вақтда, бир илмий тўпламнинг ўзида нашрдан чиққан. Улар тавсия этган ландшафтлар таснифи схемасида ўхшаш тасниф бирликлар турлича ўрин эгаллаганлигини кўриш мумкин.

Н.А.Гвоздецкий таснифи

Синф
Тур
Кичик тур

А.Г.Исаченко таснифи

Тур
Кичик тур
Синф
Кичик синф
Хил

Ушбу тасниф схемаларининг асосий фарқи шундаки, Н.А.Гвоздецкий энг катта бирлик сифатида ландшафтлар синфини кўрсатиб, аввал бошда тоғлар билан текисликлар ландшафтларини ажратиб олиш лозим деб ҳисоблаган ва тоғ ландшафтлар синфи, текислик ландшафтлар синфини ажратган. А.Г.Исаченко эса дастлаб ландшафт турларини аниқлаб олишни маъқул ҳисобган. Бунда энг асосий мезон сифатида ландшафтларнинг гидротермик режими, яъни намлик ва иссиқлик тақсимланишидаги фарқларни асос қилиб олган. Унинг фикрига кўра, бу фарқлар зоналараро фарқлар ҳисобланади. Аммо орадан 30 йил ўтганда ҳам бу олим “ландшафтлар таснифини яратиш нисбатан янги ва жуда мураккаб, ҳали етарли даражада ишланмаган муаммо” деб ёзган (1991, 232 б.).

Ландшафтларни таснифлашнинг муаммоли томонларидан бири илмий таснифлашнинг ўзига ҳос усуллари ва қоидаларига, шунингдек мантикка риоя қилишнинг муҳимлигидадир. Таснифлаш муаммоси билан шуғулланган айрим тадқиқотчилар шу муҳим шартларнинг унисини ёки бунисини унутадилар ёки четлаб ўтадилар. Шунинг учун ҳам Д.Л.Арманд (1975) мантик қонунларини бузган ҳолда тузилган ҳар қандай тасниф ҳатодир.

Географлар ҳар қандай объектни районлаштиришда ҳам, таснифлашда ҳам мантик зарурлигини унутмасликлари керак, деб ёзган эди (1975, 138 б.). Бу олим ушбу асарда географик таснифлаш масаласига 20 саҳифа ажратиб, уларда ҳар бир табиий географ билиб қўйиши зарур бўлган масалалар

хақида кўп муҳим фикрларни билдирган. Биз ушбу мақолада уларнинг ҳаммаси хақида тўхтаб ўтирмай, олим белгилаган тўрт қонданинг асосий мазмунини бериш билан қифояланамиз.

1. Ажратилган хилларнинг суммаси тоифа тушунчасининг ҳажмига тенг бўлиши керак. Ландшафтлар таснифидаги энг кичик бирлик хил ҳар доим қаттароқ бирлик – тоифа таркибига кирди. Бир ландшафт тоифасининг таркибида шу тоифага тааллуқли бўлмаган ёки бошқа йирикроқ бирликка ҳос ландшафт хили бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

2. Битта тоифа тушунчасига бўйсунадиган бир тасниф поғонаси ичида фақат битта тасниф белгиси асос бўлиши мумкин. Масалан, ландшафт тури каби комплекс объектни таснифлашда бир неча белгини ёки белгилар комплексини асос қилиб олиш ҳам хато ҳисобланади. Масалан, таснифлашнинг қайсидир бир поғонасида асосий белги бўлиб рельеф ҳисобланса, тупроқ ёки ўсимлик қопламнинг биронта хусусияти шу поғонадаги тасниф бирлигини аниқлашда асос бўла олмайди. Агар ўсимлик қопламнинг хусусияти жуда аҳамиятли белги ҳисобланса, уни ўз ўрнида, масалан кейинги поғонада асос қилиб олиш мумкин.

3. Хилга ҳос фарқларга асосланиб ажратилган гуруҳлар бир бирини истисно қилиши керак, токи таснифланаётган объектнинг биронтаси иккита гуруҳга кириб қолмасин, яъни бу қоида ландшафтларни таснифлашда жумлаларни аниқ бўлишини, икки маъноли бўлмаслигини талаб қилади. Шундай ҳолдагина ландшафтларнинг битта хили иккита тоифага кириб қолмайди.

4. Ландшафтларни таснифлаш жараёнида зарур бўлган тасниф поғонасини тушириб қолдириш ҳам маъқул ҳисобланмайди. Ушбу қоидага амал қилинмаган ҳолда тасниф схемасининг тартиби бузилади, мантқидан ҳам четлашилган бўлади.

Қуйида биз ландшафтларни таснифлашнинг мавжуд тажрибаларидан бири, В.А.Николаев (1973, 1979) томонидан ишлаб чиқилган тасниф схемаси тўғрисида бироз кенгроқ тўхталишни лозим топдик. Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, ушбу тасниф схемаси муаллифининг кўп йиллар давомида Волганинг қуйи оқимидан Олтой этакларигача бўлган дашт зонасида экспедицияларда тўпланган аниқ бирламчи материалларга асосланган ва ҳар томонлама пухта ишланган ҳисобланади. Иккинчидан, Қарши дашти (И.Ҳасанов), Жанубий Оролбўйи (А.Рафиқов, И.Ҳасанов), Турон провинцияси текисликлари (Н.А.Когай, Ш.С.Зокиров), Амударё ва Сирдарё этаклари оралиғи (Ш.С.Зокиров), Орол табиий географик округи (Р.Ибрагимова) ландшафт изланишлари ижобий натижалар берди. Учинчидан, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам ландшафтларни ўрганишни мўлжаллаганлар учун ҳам ушбу таснифнинг асосий хусусиятларини эътиборга олиб қўйиш зарар қилмайди.

В.А.Николаев тузган ландшафтлар таснифини таърифлашдан олдин бу олимнинг табиатдаги хусусийлик ва умумийликдан келиб чиққан ҳолда, ландшафтни таърифига оид айрим фикрларини эсга олиш лозим бўлади. унингча, ландшафтни фақат индивидуал деб, табиатда бошқа қайталанмайди деб қараш ҳам ёки фақат типологик бирлик деб ҳисоблаш ҳам бирдек бир томонламаликка олиб келади.

Ҳар бир ландшафт географик индивид ҳисобланса-да, бир вақтнинг ўзида қайсидир типологик ландшафт бирлигининг қисми ҳам ҳисобланади. Бунда алоҳида билан умумийни бутунлигини ва қарама-қаршилигини тан олиш таснифларда бир вақтнинг ўзида ҳам индуктив, ҳам дедуктив ёндашувлардан фойдаланишни кўзда тутати. Ландшафт таснифларида, агар муайян материал тўпланган бўлмаса, умумийдан хусусийга ўтишнинг иложи бўлмай қолади. Бундай маълумотларнинг таҳлилисиз тузилган тасниф схемалари асоссиз, ҳаёлан яратилган ҳисобланади. Ландшафтларни ёки уларнинг хилларини оддий санаб ўтиш ҳам илмий таснифлашдан узоқдир.

В.А.Николаев ландшафтларни таснифлашнинг назарий асослари хақида сўз юритар экан, таснифлашнинг энг асосий принципларидан бири тарихий-эволюцион принцип деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, ландшафтларнинг тарихи ва генезиси ландшафтлар ички структурасининг ўзига ҳослигини белгилайди. Шунинг учун тарихий-генетик принцип ландшафтларни структуравий таҳлили билан узлуксиз муштаракдир.

Структуравий принципни ландшафтлар таснифида татбиқ этилиши – бу бутуннинг қисмлари билан, қисмларнинг бутун билан ўзаро таъсирларини аниқлаш деганидир. Ушбу принципга риоя қилиши

шунинг учун ҳам зарурки, айнан шу принцип таснифлашда унинг мазмунан, яъни ландшафтни ўзини барча элементлари билан табиий бир бутунлик деб қарашни таъминлайди.

Булардан ташқари, Н.А.Николаев ландшафтларни очиқ геосистема эканлигини, ён-атрофдаги ландшафтлар билан ўзаро модда ва энергия алмашилиш йўли билан доимо ўзаро таъсирда эканлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам таснифлашда ландшафтлардаги ички ўзаро таъсирлар билан бир вақтда ландшафт билан унинг муҳити ўртасидаги ўзаро таъсир турини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади.

Шундай қилиб, В.А.Николаев учта асосий принцип, яъни тарихий, генетик ва структуравий-системали принциплар ландшафтларнинг замонавий таснифини фарқлантириб туриши керак деб ҳисоблайди. Шу билан бирга “тарих” ва “генезис” терминлари мазмун умумийлигига эга бўлгани учун, шу принциплар асосида тузилган классификацияни қисқача қилиб структуравий-генетик деб номлаш мумкинлигини айтади.

В.А.Николаевнинг ўн бир поғонали тасниф схемасида энг катта бирлик сифатида ландшафтлар бўлими кўрсатилган. Бундай бирликни ажратишнинг асосида умумий белги сифатида литосфера, гидросфера, атмосфера каби геосфераларнинг туташ (контакт) ва ўзаро таъсир тури олинган. Бўлим биринчи энг катта бирлик ўрнида Ф.Н.Мильков (1967) ва Г.Д.Рихтер тасниф схемаларида бор эди. Жумладан, Ф.Н.Мильков ландшафт қобиғида тўрт ландшафт бўлимини ажратган. Шундан биттаси қуруқлик ландшафтлари бўлими эди.

Юқоридан иккинчи поғонани В.А.Николаев ландшафтлар системаси деб атаган. Уларни аниқлашдаги асосий белги сифатида намлик-иссиқлик баланси олинган. Бу ҳолда макроиқлимий хусусиятлари бир хил бўлган ландшафтлар қайси иқлим минтақасида жойлашганлигига қараб битта системага (масалан, бореал, суббореал каби) бирлашади.

Кейинги поғонада ажратиладиган кичик системалар табиат минтақаларининг континенталлик даражасига, яъни иқлимнинг континенталлиги, атмосфера циркуляциясининг хусусиятлари каби белгиларга асослангандир. Масалан, суббореал ландшафтлар системаси таркибида мўътадил-континентал ландшафтлар кичик системаси (яъни Шарқий Европа ўрмон-дашт ва дашт) каби.

Кичик системалар ичида ландшафт синфлари ажратилади. Ландшафтлар таснифидаги синф бирлиги деярли барча тасниф схемаларида мавжуд бўлиб, асосан морфотектоник белгилари асосида аниқланади. Масалан, тоғ ландшафтлари синфи, текислик ландшафтлари синфи каби. Рельеф билан иқлимий шароитни табақаланишидаги кескин фарқлар текисликларда кенгликлар бўйлаб, тоғларда эса баландлик бўйлаб зоналанишнинг турлича намоён бўлишининг асосий сабабчиси ҳисобланади. А.Г.Исаченко ва Н.А.Гвоздецкийларнинг тасниф системаларида ҳам ландшафтлар синфи ўртасидаги асосий фарқ табиий шароитни турлича зоналанишидаги фарқ билан белгиланган.

Ландшафтлар синфи ўз навбатида кичик синфларга бўлинади. Бунинг асосида тоғларда ва текисликларда ландшафтларнинг яруслар ҳосил қилиб табақаланиши ётади. Масалан, текисликларда баланд текислик ва паст текислик ландшафтлар кичик синфларини ажратиш мумкин. Тоғлик ҳудудларда эса паст тоғлар, ўртача баландликдаги тоғлар ва баланд тоғларнинг ландшафтлари алоҳида-алоҳида кичик синфларни ҳосил қилади.

Кейинги тасниф бирлиги – ландшафтлар гуруҳи бўлиб, уларни аниқлашда текислик ландшафтлари синфи учун ландшафтларнинг бу бирлигини ажратиш жуда муҳим ҳисобланади. Уларни аниқлашда намлик ва геокимёвий режим тури асосий белги бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, атмосфера ёғинлари, грунт сувлар ҳисобига намланишнинг нисбатлари, ландшафт грунт сувларининг саяз ёки чуқурдалиги, яъни захлиги ёки захдан холилиги, ҳаракатчан кимёвий элементларнинг тўпланиши ёки чиқиб кетиши устунлиги каби хусусиятлар ҳисобга олинади. Ушбу белгиларга асосланган ҳолда элювиал, ярим гидроморф ва гидроморф ландшафтлар гуруҳларини аниқлаб оlesa бўлади. Булардан элювиал ландшафтлар асосан рельефнинг баландроқ, ер ости сувлари чуқурроқда жойлашиб, ландшафтларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишида иштираётган этмайди.

Ландшафтлар гуруҳи бирлигини ажратишнинг аҳамияти катта. Ўтмишда ва ҳозирги вақтда ландшафтларнинг ривожланиш йўналиши қай тарзда бўлганлиги, шунингдек кейинчалик ҳам қайси йўна-

лишда кечиши кўп жиҳатдан намлик ва геохимёвий режимининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда ландшафтларнинг таракқиётини олдиндан кўра билиш, яъни башоратлаш (прогнозлаш) имконияти пайдо бўлади.

Маълумки, ландшафтларнинг элювиал (автоморф), ярим гидроморф ёки гидроморф бўлиши ландшафт ривожланишининг маълум даврдаги ҳолатини ақс эттиради. Намланиш тавсифи ўзгариши билан ландшафт ҳам бир ҳолатдан бошқа ҳолатга, яъни бир гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтиб қолиши мумкин. Ландшафтларнинг намлик-геохимёвий тартибини ўрганишнинг аҳамияти катта эканлигини аниқ хис этган Б.Б.Полинов (1956), М.А.Глазовская (1964), А.И.Перельман (1975), В.А.Николаев (1979), А.А.Макунина ва Н.С.Селезнева (1974) кабилар ўз илмий изланишларида бу белгига алоҳида эътибор берганлар

Ландшафт гуруҳлари ўз навбатида ландшафт турларига бўлинади. Бу тасниф бирлиги бизга маълум бўлган деярли барча тасниф тажрибаларида учрайди ва деярли бир мазмунда изоҳланган.

Ландшафтларнинг турларини аниқлашда тупроқ ва биологик белгиларга асосланилади. Чунки ландшафтларнинг ўз махсус фаолиятини бажаришида иштирок этадиган намлик айланиши, модданинг биологик айланиши, тупроқ ҳосил бўлиши, биомасса ҳосил бўлиши каби кўп жараёнлар ландшафтда иссиқлик ва намлик билан таъминланиш билан белгиланади. Намлик билан иссиқликнинг тақсимланиши эса кенгликлар бўйлаб зоналаниш, баландликлар бўйлаб минтақаланиш каби энг муҳим қонуниятларга боғлиқ ҳолда рўй беради ва бу қонуниятларни таснифлаш жараёнида албатта инобатга олиш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам кўп тасниф тажрибаларида бу бирликни ажратишда асосан биоиклимий, яъни зонал белгилар асосий белги сифатида олинган. Масалан, тундра, тайга, ўрмон-дашт, дашт, чўл ландшафт турлари каби. Ландшафтларни харитага туширишда баъзан у ёки бу географик зонага тавсифли бўлмаган, аммо айрим зоналар таркибида учрайдиган ландшафтлар (масалан, ботқоқ, ўтлоқ, шўрхоқ каби) интразонал тавсифга эга бўлади. Уларнинг кўпчилиги гидроморф ландшафтлар гуруҳига мансуб бўлиб, алоҳида ландшафт тури сифатида белгиланади. Уларни интразонал ландшафт тури сифатида ажратишни Н.А.Гвоздецкий (1961), Ф.Н.Мильков (1967) ҳам тавсия этганлар.

Табиат зоналари ичида кичик зоналар мавжудлиги ҳаммамизга яхши маълум. Ҳар бир подзонага хос бўлган ландшафтларни кичик тур бирлиги сифатида ажратишга тўғри келади. Бундай ҳолларда интразонал ландшафтлардаги кичик зонага хос белгиларни аниқлашни иложи бўлмай қолади. Чунки бундай ландшафтларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишида иқлим омилларидан кўра гидрогеологик омилларнинг роли устунроқ бўлади.

Н.А.Гвоздецкий тавсия этган ландшафтлар таснифи бўйича Ўрта Осиё ландшафтларининг текислик синфи чала чўл субтропик тури Ўрта Осиё типик ва тўқ тусли бўз тупроқли чала чўл кичик туридан иборат бўлган.

Ландшафтларнинг чўл тури эса шимолий гиллик, шувоқ ўсган кичик турига бўлинган. Субтропик ўтлоқ ландшафтлар тури ичида қайирлар субтропик ўтлоқ ландшафт кичик тури ажратилган.

А.Г.Исаченко (1961) эса Ўрта Осиё текислик ландшафтлари билан тоғ ландшафтлари синфларини олдин битта турга киритган. Ўрта Осиё тоғлари билан текисликларининг муштарак ҳосил бўлганлигига асосланган Н.А.Когайга (1969) А.Г.Исаченконинг бу тавсияси маъқул кўринган эди. Унинг ўзи эса Ўрта Осиё ландшафтларини тўрт турга, яъни Турон, Жунғор-Тяньшан, Помир-Тибет ва Марказий Қозоғистон ландшафт турларига ажралади деб ҳисоблаган. Бундан кўришиб турибдики, Н.А.Когай ландшафт турларини аниқлашда асосан провинциал белгиларга асосланган. Бу олим ажратган кейинги тасниф бирликлари синф-гуруҳ-хиллардан иборат бўлган.

Турон провинцияси ландшафтларига хос бўлган хусусиятлар Н.А.Когай бўйича: 1) субтропиклик, 2) фасллар намоён бўлишининг ўзига хослиги, 3) флорасининг тонфалар ва хиллар таркибида эндемизм бойлиги, 4) ўсимлик қопламанинг шаклланишида Олдосиё ва Ўрта денгиз флорасининг сезиларли даражада иштироки ва 5) провинцияда келиб чиқиши бореал бўлган ўсимликларнинг кучсиз тарқалганлиги (1969, 90 б.).

В.А.Николаев таснифи бүйича тур ва кичик тур birlikларидан сўнг ландшафтлар тоифаси бирлиги келади. уни ажратишда асосий белги бўлиб рельефнинг генетик тури хизмат қилади. Бу геоморфологик омил ландшафтларнинг морфологик тузилишини белгилайди. Шунинг учун ландшафтлар морфологиясининг текстураси ландшафтлар тоифасининг муҳим белгиси ҳисобланади. Ҳар бир ландшафт тоифасининг геологик тузилишидаги литологик фарқлар кичик тоифаларни ажратишга асос бўлади.

Тасниф муаллифи энг кичик birlik хисобланган ландшафт хилини ажратишда асосий белги сифатида ландшафтларда устун бўлган урочишеларнинг ўхшашлигини олади. Аммо бу birlik ҳам ландшафтларнинг морфологик тузилишида (масалан, таркибида ва майдонларининг нисбатида) катта ўзгаришлар сезилса кичик хил бирлиги ҳам ажратилиши мумкин.

В.А.Николаевнинг эътироф этишига кўра, унинг тасниф схемаси асосан текислик ландшафтлари учун тузилган бўлиб, тоғ ландшафтлари учун бу схемага бироз ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Агар ландшафтларнинг келиб чиқиши, структурасига оид маълумотлар етарли бўлганда, ҳар бир муайян ландшафтнинг таснифдаги ўрнини аниқлаб қўйишнинг қийинчилиги бўлмайди.

Юқорида тилга олинган тасниф тажрибаларидан бирини танлаш ва ундан тўғри, илмий асосланган ҳолда фойдаланиш учун ҳар бир ландшафтнинг географик ўрни, компонентлари ва морфологик қисмларини тавсифлашга етарли бирламчи маълумотларга эга бўлиш лозим. Далада, экспедиция шариоитида бундай маълумотларни тўплаш эса ландшафтшуносликнинг назарий асосларидан яхши хабардор бўлишни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гвоздецкий Н.А. Опыт классификации ландшафтов СССР. Материалы к V Всесоюз. совещ. по вопросам ландшафтоведения. М., 1961.
2. Зокпиров Ш.С. Кичик худудлар табиий географияси. Т., 1999.
3. Zokirov Sh.S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. Т., 2016.
4. Исаченко А.Т. Классификация ландшафтов. Материалы V Всесоюз. совещ. По вопросам ландшафтоведения. М., 1961.
5. Исаченко А.Т. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. М., 1991.
6. Когай Н.А. Физико-географическое районирование Туранской части Средней Азии. Т., 1969.
7. Николаев В.А. Принципы классификации ландшафтов. Вестник МГУ, серия География № 6, 1973.

ЖАҢА ЗАМАНАВИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДЫ ГЕОГРАФИЯ САБАҚТАРЫНДА ПАЙДАЛАНУ

*Амангелді Өзерке,
№81 қазақ мектеп-гимназиясының
география пәні мұғалімі,
Әл-фараби атындағы ҚазҰУ-дің
География және табиғатты пайдалану
факультетінің докторанты.
Алматы қаласы.*

Қазақстан Республикасының Білім туралы заңында «Білім беру жүйесінің басты міндеті – ұлттық және азаматтық құндылықтар, ғылым мен практика жетістіктері негізінде жеке адамды қалыптастыруға және кәсіби шыңдарға бағытталған білім алу үшін қажетті жағдай жасау; оқытудың жаңа технологияларын енгізу, білім беруді акпараттандыру, халықаралақ ғаламдық коммуникалық желілерге шығу» деп білім беру жүйесін одан әрі дамыту міндеттері көзделген. Бұл міндеттерді шешу үшін әр мұғалім